



QAROR

2012 yil 18 May

79-Q Sonli

Samarqand tumani

Фуқаро Абдуллаева Хуршедага тегишли АЁҚШга қўшимча 0,10 га ер майдони ажратиш ҳамда автомобилларга суюлтирилган газ қуиши шахобчаси қуришга рухсат бериш ҳақида.

Тумандаги “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йигини “Ангаролмос” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаева Хуршеда туман ҳокими номига ариза ёзиб, фойдаланиб келаётган АЁҚШга қўшимча 0,10 га ер майдони ажратиш ҳамда автомобилларга суюлтирилган газ қуиши шахобчаси қуришга рухсат беришни сўраган.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 30 апрелдаги 49-сонли хулосаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 12 майдаги 431-сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 ва 26-моддаларига асосан,

Қарор қиласман:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг фуқаро Абдуллаева Хуршедага тегишли АЁҚШга “Мотрид агротехсервис” массиви худудидан туман захира ерлари хисобидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган қўшимча 0,10 га ер майдони ажратиш ва автомобилларга суюлтирилган газ қуиши шахобчаси қуриш ҳақидаги 2010 йил 30 апрелдаги 49-сонли хулосаси ҳамда ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартриш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

3. Автомобилларга суюлтирилган газ қуиши шахобчаси қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал килган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси фуқаро Абдуллаева Хуршедага топширилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев

21.05.2010

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

QAROR

2010 yil "21" May

Samarqand tumani

№99-Q Sonli

Тумандаги «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йигини «Хўжа-гулом» маҳалласида яшовчи фуқаро Каримов Қаҳрамон туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, олди сотди шартномасига асосан унга тегишли бўлган уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йигини «Хўжа-гулом» маҳалласида яшовчи фуқаро Каримов Қаҳрамон туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, олди сотди шартномасига асосан унга тегишли бўлган уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Каримов Қаҳрамонга тегишли уй-жойига таёrlанган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хulosаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган хужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йигини, «Хўжа-гулом» маҳалласида яшовчи фуқаро Каримов Қаҳрамонга тегишли умумий 800,92 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойинг қурилиш тагидаги ер майдони 357,01 м.кв. дан иборат, шундан А3-литердаги 1-та яшаш хонаси 61,01 м.кв. ва А4-литердаги 1-та ошхона 14,36 м.кв. А5- литердаги 4-та омборхона 53,38 жами: 128,75 м.кв қисми (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омборхонаси сифатида фойдаланиши учун) нотурар жой тоифага ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Улугбек» қишлоқ фуқаролар йигин (Н.Садуллаев)ларига фуқаро Каримов Қаҳрамонга тегишли уй-жойни бир қисмини нотурар жой тоифаси (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омборхонаси)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли хужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Каримов Қаҳрамон зиммасига: а) омборхона нинг ташки кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастри ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, маҳсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклансин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев

544

«Келишилди»:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари:

Туман ҳокимлиги ташкилий назорат
гурухи рапхари:

Туман ҳокимлиги юристи:

Туман ҳокимлиги концелярия мудири:


«Тайёрлади»:


Туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик
субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш
инспекцияси бошлиғи:


Б. Қодиров


К. Тоҳиров


О. Курбонов


Ш. Бурхонов


Н. Бердиев